

## ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Турсунова Лайло Эргашевна

*Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети  
муסיқий таълим ва маданияти кафедраси ўқитувчиси.*

Бугунги кунда ёшлар муסיқий маданиятни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боис ҳам ёшларнинг муסיқий тафаккурини ошириш, уларнинг санъатга бўлган муносабатини ўзгартириш асосида эстетик дунёқарашини шакллантириш зарурати ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам муסיқа маданиятини юксалтиришнинг зарурати ва ёшлар муסיқа маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий эҳтиёжини тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Зотан, муסיқа маданияти халқ маънавий дунёсининг ажралмас қисми бўлиб, унинг маънавий эҳтиёжини барча даврларда қондирган ва ҳар доим ҳамдард бўлган, беминнат хизмат қилган.

Алломаларимиз қолдирган маданий меросида муסיқа маданияти борасидаги фикрлар ўзининг нақадар софлиги, ўта таъсирчанлиги билан инсонни ҳайратда қолдиради. Зеро, "...шундай улкан маънавий бойликнинг шаклланиши ва таққиётида, бу умрбоқий санъатнинг бизгача етиб келишида беқиёс хизмат кўрсатган шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созандалар, буюк ҳофизларнинг..." ўрни беқиёс эканлигидан далолат беради. Демак, муסיқа жамият маънавий тарақиётида санъатнинг бошқа турларига нисбатан глобал таъсир этиш хусусиятига эга. Чунки, муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг муҳими, бугунги кунда муסיқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Муסיқа – инсонларни эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. Инсон ҳаётида қўшиқнинг хашиша ўз ўрни, ўз вазифаси мавжуд, у эрмакка тўқилмаган, ҳавасга айтилмаган, бекорчиликдан эшитилмаган. Қўшиқ кишиларни яшашга, курашга чорлаган, меҳнатга, муҳаббатга руҳлантирган, дарду қайғусига малҳам, бахту қувончига шерик бўлган. Қўшиқнинг халқ орзу-армонларининг ифодаси, халқ руҳиятининг кўзгуси ҳисобланиши шундан. Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Токи одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламида, ўзи яшаётган жамиятида, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларда тарихан шаклланган ва муайян даврда амал қилинаётган бадий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди. Муסיқа санъати ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир. Демак, ёшлар муסיқа маданиятини юксалтириш ва унинг ижтимоий-фалсафий таҳлилини қилишда

анъанавий ижрочилик якканавозлик, жўрнавозликни қай даражада ўзлаштириб боришликка алохида эътибор қаратиш зарур. Бу эса мусиқанинг умумбашариятга хос бўлган ички хусусиятларига боғлиқдир. Зеро, мусиқа усул ва оҳангнинг уйғунлигида пировардига этади.

Маънавий янгиланиш жараёнларида мусиқа маданияти ва санъатига миллий-эстетик қадрият сифатида ёндашиш, мусиқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада равнақ топтириш мақсадида бир қатор дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, мумтоз ва замонавий мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, мусиқа маданияти ва санъатини қўллаб-қуватлашга қаратилган илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ёшларда мусиқа маданиятини юксалтириш, мусиқий меросни асраб-авайлашга ва мусиқий тафаккурини оширишга қаратилган таълим жараёнида бир қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Маънавий юксалиш жараёнларида мусиқа санъатига эстетик қадрият сифатида ёндашиш, мусиқанинг анъанавий ва замонавий йўналишларини янада равнақ топтириш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, мумтоз ва замонавий мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, шунингдек, мусиқа санъатини қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий анжуманлар ўтказилмоқда. “Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларнинг бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди”. Чунки, мусиқа инсоннинг узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари, хиссиёти ва дунёқарашидир.

Ёшлар мусиқий маданиятини юксалтириш орқали улар қалбини фориғлаш, ҳузурбахшлик ҳамда тарбиявийлик тамойилларини ҳам сингдириш мумкин. Мусиқанинг гўзаллиги куй, оҳанг ва композициянинг уйғунлигида намоён бўлиши, шунинг учун яхши мусиқа қалбни поклаши, кайфиятни кўтариши, инсонни ғам-андухдан, тушкунлик кайфиятларидан халос этиши, нуқсон ва ғуборлардан фориғлашини янгича ижтимоий қонуниятлар асосида тушунтириб бериш лозим. Чунки, ҳақиқий мусиқа таълими юксак эстетик дид билан ижро этилгандагина ғуборлардан фориғлаш функциясини амалга ошириш мумкин бўлади. Бунинг учун ёшларнинг мусиқий билимини ошириш, мусиқа маданиятининг назарий асосларини ўргатиш, эстетик билим ва кўникмаларни ривожлантириш керак. Шу боис ҳам мусиқа таълими мутахассисларини тайёрлашда уларнинг мусиқа назарияси ва тарихи, мусиқий асарларнинг яралиши ва мусиқашунос олимларнинг таҳлилларини ўрганиб боришлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, Юнус Ражабийнинг “Ўзбек халқ чолғу мусиқаси” деб номланган тўпламидан ўрта асрлардаги ва кейинчалик яратилган мусиқа трактатларида чолғу асбоблари ва уларда ижро этиладиган асарлар

тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Бу борада Абу Наср ал-Фаробийнинг “Муסיқа ҳақидаги рисола”сига алоҳида урғу бериб, чолғу асбоби ва муסיқий оҳанг уйғунлигининг инсон эстетик оламига таъсирига доир айрим фактик мулоҳазаларни баён этади . Бу билан чолғу асбоблари сознинг ашулачига жўр бўлиши ҳамда хонанданинг якка ҳолда ижро этишига кўмаклашиши каби икки хил вазифани бажаради. Мана шундай ёндашувларни ўрганиш ва муסיқий асарларни таҳлили билан шуғулланиш ёшлар муסיқа маданиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, муסיқа эстетик тарбия жараёнларида иштирок этар экан, унинг маънавий ҳодиса сифатидаги моҳияти ва аҳамияти янада бўрттириброқ кўзга ташланиши, шунинг учун муסיқага ҳам эстетик, ҳам ахлоқий изланишлар объекти сифатида мурожаат қилиниши, мана шу жиҳат ўз навбатида, ахлоқ билан нафосат, бадийлик билан эстетиканинг ўзаро алоқадорлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шу боис муסיқа санъатидан ёшлар ахлоқини ривожлантиришда оқилона фойдаланиш керак. “Чунки, санъат тараққиёти ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни бадий ижодкорликнинг шарт-шароитлари, унинг қадриятларини тарқатиш ва ўзлаштириш жараёнлари билан бўлганидек, кишиларнинг эстетик камол топганлик даражаси билан ҳам узвий боғлиқдир” .

Муסיқа маданиятининг тарбия жараёнларидаги иштироки унинг таъсир хусусиятларига кўра белгиланади. Шунинг учун муסיқа маданиятининг тарбиявийлик хусусиятига икки хил ёндашув асосида мурожаат қилади. Биринчидан, муסיқа ҳаракатлантирувчи ва покловчи маънавий ҳодиса. Иккинчидан, муסיқа – кўнгилочар ва эрмакка асосланган манфаатдорлик манбаи ҳисобланади. Ҳар иккала ёндашувда ҳам муסיқанинг тарбия жараёнларидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга. Чунки, масалага рационал ёндашадиган бўлсак ҳар қандай муסיқа маънавий ҳодисага айланмагани каби барча муסיқалар ҳам оддийгина манфаатдорлик манбаи бўлавермайди. Чинакам муסיқа маданияти ва маънавият мулки сифатида тарбия жараёнларига янада яқинлашади. Муסיқанинг тарбиявийлик хусусияти уни тинглаш, ҳис этиш, муносабат билдириш каби эстетик тарбия тизими орқали изоҳланади. Демак, ёшлар муסיқа маданиятини тадқиқ этишдан асосий мақсад муסיқанинг тарбиявийлик хусусиятидан фойдаланиш орқали инсон қалбини покловчи маънавий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини ошириш ва унинг эстетик таъсир маконини яратишдир.

Таъкидлаганимиздек, бугунги кунда ёшларда муסיқа маданиятини ривожлантириш орқали эстетик дидни юксалтириш энг муҳим ва самарадор омили эканлиги аниқланмоқда. Бунинг учун ёшларда муסיқий онг ва дунёқарашни шакллантириш учун ёшларда муסיқий идрокни тарбиялаш талаб этилади. Муסיқий идрокнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бадий ижод табиатга ҳамда санъатнинг ижтимоийлик моҳиятига таъсир кўрсатиши билан белгиланади.

Иккинчидан, эстетик идрок қонуниятларини тадқиқ қилиш санъат ва бадий ижод мазмуни ва моҳиятини тўлақонли тарзда намоён қилиши учун имконият яратади. Бундан ташқари, оҳанг омили – мусиқадаги моҳиятни ва эстетик мазмунини очиб беради. Бу жараён идрок воситасида амалга ошади.

Ёшларнинг мусиқий маданиятларини шакллантиришда қуйидаги асосий кўрсаткичлар пировард натижа эканлигини ёдда тутмоғи лозим:

- ёшлардада миллий эстрада қўшиқчилигига нисбатан қизиқиш ва ҳавас тобора орта боришини таъминлаш;

- ёшларнинг ижодий фаоллиги ва ташаббуси орта боришида эстрада қўшиқлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини белгилаш;

- мусиқани диққат ва иштиёқ билан тинглаш, асарлардан хушсозлик, хушовозлик ва гўзалликни англай олиш, унга ўз муносабатини билдира олиш малакаларини шакллантириб бориш;

- мусиқий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва тажрибаларни ўзлаштирган бўлиши;

- ёшларда мусиқа санъати таъсирида гўзалликка интилиш, ростгўйлик, дўстликни қадрлаш каби эстетик қарашларнинг таркиб топа бориши. Ўзини тута билиш, муомала, кийиниш каби эстетик маданиятнинг бир қатор сифатларини шакллантириб бориш шулар жумласидандир. Демак, ёшларда хушсозлик, хушовозлик ва гўзалликни англай олиш, унга ўз муносабатини билдира олиш дунёқарашини шакллантириш, мусиқа назарияси таъсирида гўзалликка интилиш, кийиниш ва эстетик дидни ривожлантириш ҳам уларнинг мусиқа маданиятининг асоси ҳисобланади.

Мусиқа нола ва оҳангга асосланиши билан эстетик қонуниятга айланади. Бу эстетик қонуният мусиқанинг ўзига хос хусусияти бўлиб, улар асосида инсон воқеликни ҳис этади, у билан эстетик муносабатга киришади ва воқеликни бадий образларда акс эттиради. Унинг ижтимоий моҳияти, маънавий аҳамияти ҳамда шахс ва жамият камолотидаги ахлоқий-эстетик мазмуни билан боғлиқ масалаларни таҳлил этган ҳолда мусиқанинг бадий-эстетик идеални шакллантириш, шунингдек, мусиқанинг ижтимоий-маънавий борлиқдаги гўзалликни уйғунлаштирувчи, эстетик қадриятларни қарор топтирувчи омил сифатидаги мазмунига эътибор қаратилади.

Маълумки, эстрада қўшиқчилиги ва ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида гап кетганда эстрада тушунчасининг ўзини чуқурроқ англаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам эстрада тушунчаси, пайдо бўлиш шарт-шароитлари, хориж мусиқа ижодиётида нима деб номланиши, унинг ривожланиш тарихий шарт-шароитлари хусусида қимматли маълумотлар келтириб ўтилган. Айниқса, “XX аср ўзбек мусиқа санъатида кескин янгиланишлар даври бўлди, “ноанъанавий”

бастакорлик ижодиёти ҳамда янги концерт шакллари юзага келди” . Шу муносабат билан мусиқий маданиятга ҳам “эстрада” тушунчаси ўзбек миллий мусиқа санъати таркибидан жой олди. Ўзбек миллий эстрада санъатининг асосчилари қаторида Ботир Зокировнинг ҳаёт йўлини намуна сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбекистонда эстрада санъатининг ривожланишида хориж замонавий мусиқасининг ўрни ва аҳамияти катта . Шу боис ҳам ёшларда мусиқа маданиятини ривожлантириш асосида миллий мусиқий меросни асраб-авайлаш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ўрганиш ва бу орқали мусиқий тафаккурини ошириш мумкин бўлади.

Ёшларда мусиқа маданиятини юаксалтиришда эстетик дидни тарбиялашнинг ҳам алоҳида аҳамияти бор. Яъни мусиқа маданиятини ривожлантиришда янгича ёндашувлар асосида бадиий дидни тарбиялаш таъсирчан воситадир. Ёшларни ҳар бир мусиқий асарни диққат ва эътибор билан тинглаши, унинг ифода воситалари ва мазмунини тўла идрок этишга ўргатиш зарурки, бу уларда одат тусига айланади ва эстетик дидни ўстиришда муҳим роль ўнайди. Зеро, “мусиқанинг ҳаётда тутган ўрни беқиёс. Она алласи билан меҳр-муҳаббат, эзгулик, мурувват туйғулари қалбимизга жойланди. Айниқса, миллий қадрият бўлган рақс, фольклор, эстрада санъатида маънавий мерос асраб-авайлаб келинмоқда” . Мана шу жараённи миллий асосларини асл ҳолича сақлаб қолиш, ёшларда миллий мусиқий мерос ва мусиқа санъатининг вазибаларига доир қарашларини тарбиялашда мусиқа маданиятини ошириш йўлидаги залворли одимлар муҳим аҳамият касб этади.

Мусиқанинг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бардамлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш руҳий ҳолатларни хусусий ва умумий тарзда ўзарот боғлиқликда, бир-бирига сингиб кетган тарзда ифодалайди. Ўзбек миллий мусиқасининг дурдонаси бўлган “Шошмақом” дастасида халқнинг мураккаб тарихи, кечинмалари, завқ-шавқи, қайғу-ҳасратлари, орзу-умидлари шу қадар теран, чуқур, нафис, жозибали, эҳтиросли ифода этилганки, уни эшитган киши гўё ширин ҳаёллар дунёсига кириб кетади.

Мусиқа инсон ички дунёсининг ҳиссиётли томонлари билан бирга маънавий оламини бутунлай ифода этиб, унинг ақлий ва ирода қудратини, яхлит образсини ярата олади. Шунингдек, мусиқанинг асосий мазмуни юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этишида, ёшларнинг эстетик дидини юксалтиришда ўз аксини топади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида мусиқа санъатини ривожлантириш орқали шахс ва жамият эстетик билим ва кўникмаларни юксалтиришга бўлган эътибор ҳар иккала жиҳатнинг уйғунлигига асосланади. Демак, товушлар туйғулар билан ҳамоҳанг бўлсагина фазилатларни шакллантиради, киши кайфиятига таъсир кўрсатади. Шунга кўра, инсоннинг турмуш тарзини акс эттирувчи, унинг эстетик оламини ифодаловчи мусиқа санъати инсон ҳаётий аъмолларининг ажралмас қисмидир.

Маълумки, муסיқа маданиятини юксалтириш ёшларнинг эстетик онгини ривожлантирувчи анаъанавий халқ муסיқаларини сингдириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Анаъанавий халқ муסיқаси кишига тез таъсир этиши, осон қабул қилиниши ва ёшларнинг ташқи оламга эстетик муносабатини шакллантириш хусусиятига эга. Бундан ташқари, халқ муסיқаси куй-оҳанглarning табиийлиги ва соддалиги билан ҳам ажралиб туради. Мана шу халқ муסיқасини чуқур ўргатиш орқали ёшларнинг эстетик диди ва дунёқарашини шакллантириш мумкин бўлади. Чунки муסיқа ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини акс эттириш имкониятига эга. У бир вақтнинг ўзида ҳам эпик, ҳам лирик, ҳам драматик оҳанглarda жаранглаши билан ўрганувчида ва тингловчида эстетик завқни пайдо қилади. Айниқса, унинг ифодали-образли табиати кўпроқ лирикага яқинлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда, лирика муסיқанинг эстетик асосини ташкил этади. Шунингдек, муסיқа инсон эстетик оламидаги эзгу орзу-умидларни бевосита ва билвосита акс эттиради: у инсондаги энг яхши туйғу ва фазилатларни намоиш этишга қодир.

“Инсон эстетик камолоти нафақат эстетик туйғулар, эҳтиёжлар, шу билан бирга, унинг барча шахсий фазилатлари билан бирга яхлит ҳолда боғланиб кетади. Шунинг учун шахсни камолотга олиб келувчи эстетик омиллар, бир томондан, унинг структурасини ташкил этувчи жамики элементлар, бошқа томондан, эстетик камолотининг ўзига хослиги ва уларнинг шаклланишида меҳнатнинг таъсири билан бирга қараб чиқилмоғи лозим” .

Ёшларни юксак ҳаётий мақсадларга йўналтириш, улуғвор истакларга ундаш бугунги кунда муҳим ижтимоий вазифалардан биридир. Чунки ёшларда юксак фикр ва туйғулар, нафосат, дил қувончлари, армон ва орзулар ҳосил қилиши, уларнинг ижодкорлик қобилиятини ошириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, санъат гарчанд фандан кўра ўзига хос усулда кўзда тутган мақсади ҳам бир қадар бошқача бўлсада, илм-фан билан доимо узвий боғлиқ. Чунки, муайян санъат асари илмий ўрганилаётган ижтимоий муаммоларни ҳам қамраб олади.

Мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришнинг мақсадли йўналтирилганлигини халқимиз муסיқа маданияти, диди ва тафаккурини ривожлантиришдаги юксак маданий ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, унда бадиий ижод, хусусан муסיқа санъати воситасида ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялаш масалаларига устувор аҳамият берилган. Зеро, муסיқа ижтимоий тараққиётда инсоннинг фақат ҳурсандчилик кунларида эмас, балки бошқа фаолиятларида ҳам унга куч-қувват, руҳий мадад беради, ҳаётга, яшашга, ижодга ва гўзалликдан баҳраманд бўлишга чорлайди. Бундан ташқари, ҳақиқий санъат асарлари, хусусан, гўзал муסיқа умумбашарий тилга эга бўлиб, улар барча халқ, элат ва миллатларга таржимонсиз эстетик завқ бағишлаш хусусиятига эга. Шундай экан, ёшларнинг ҳаётий истакларини кучайтириш, ўқишга, касбий фаолиятга ҳам унга куч-қувват, руҳий мадад беришига уриниш муҳим ижтимоий вазифалардан биридир.

Бунинг учун тарбия тизимида ёшлар тинглаши таклиф этилаётган куй-қўшиқлардан, устоз санъаткор ва бастакорлар ижоди билан боғлиқ адабиётлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, мусиқа соҳасида фаолият олиб бораётган ва илмий изланишлар қилаётган ёш тадқиқотчи-ижодкорлар ва санъаткорларнинг маҳорати ҳамда уларнинг мусиқанинг эстетик моҳиятига доир ёндашувларини ўз ичига олган услубий кўрсатмаларни тайёрлаш ишларини янада жонлантириш зарур. Чунки, “оммавий маданият” таҳдидларига қарши курашнинг ўқув-услубий асосларини мустаҳкамлаш орқали ёшларда мусиқа маданиятини, эстетик дид ва эстетик маданият мезонларини юксалтириш муҳим назарий асослар яратилишини тақозо этади. Демак, “Шахснинг эстетик маданияти гўзаллик қонунлари асосида табиат, ижтимоий ҳаёт ҳамда ўзининг моҳиятли кучларини ҳар томонлама ифода этадиган ҳис-туйғу, идрок ва қайта яратувчанлик қобилиятлари мажмуидир” дейиш мумкин.

Жамиятимизнинг маънавий юксалиши жараёнларида ёшлар эстетик дунёқарашини шакллантиришга доир амалий йўриқномалар мажмуасини яратиш бунда ўзбек мусиқа санъатининг эстетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мусиқий эстетик фаолиятда ижтимоий-маънавий омилларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Мана шу ёндашувни ёшларнинг эстетик дунёқараши, маданияти ва дидини юксалтиришда ва миллий мусиқанинг эстетик билим ва кўникмаларни ривожлантиришдаги имкониятлари тўғрисида дунёқарашини шакллантириш талаб этилади.

Бугунги кун мусиқаси дунёдаги содир бўлаётган ҳамма жараёнларнинг акси, инсоннинг ва инсониятнинг турли ташқи таъсирлардан, баъзан ўз-ўзидан маънавий, руҳий, ижтимоий ва жисмоний тарафлардан озод бўлишда, балки, ягона йўли, ҳамда инсон маданиятининг тадрижий ривожини берувчи имкониятидир. Янги мусиқа янги санъат каби маълум бир вақтда пайдо бўлмаган, у аввалгиларнинг давомидир. Лекин, баъзи бир ҳолларда айрим эстрада мусиқа намуналари ёшларнинг ахлоқий оламига зўрлик билан таъсир кўрсатишга уринмоқда. Улар асосан Ғарб мусиқаси намуналари ёки уларга тақлидлардир. Ҳозирги давр ултра мусиқасининг айрим турлари (“бит”, “рок”, “реп”, “поп”) ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай мусиқаларнинг баъзи “намуналари” бизга ҳам етиб келган. Ғарб мусиқасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаётганлиги бор гапдир. Ғарб мусиқий жанрларининг ёшлар тарбияси, яшаш тарзига мос келаётганини инкор эта олмаймиз. Уларнинг таъби, диди шуни талаб қилапти. Лекин жазавага тортувчи, бир хил сўзларни кўп такрорлайверадиган, бир хил ритмга асосланган эҳтиросли мусиқани кўп тинглайдиган ёшлар, шубҳасиз миллийликдан йироқлашадилар. Уларнинг онгу шуурига шовқин-суронли мусиқа шу даражада ўрнашадикки, натижада, юриш-туриши ҳам ўзгара бошлайди. Шу боисдан

ёшларда санъат орқали эстетик дидни, инсоннинг маънавий дунёсини бойитувчи ҳақиқий гўзал мусиқага муҳаббатни тарбиялаш, янги инсон – мустақил давлат қурувчисини камол топтириш учун кураш жамиятимизнинг муҳим вазифасидир. Чунки, кишилар онги ва маънавий оламига мусиқа санъатининг таъсир кучи ниҳоятда катта.

“Санъатнинг олий мақсади эътиросларни поклантириш ва кишиларга панд-насихат беришдан иборатлигига яна бир бор эътибор қаратсак, бу чегара чизиғи ўта жиддий эканлигига ишонч ҳосил қиламиз” .

Биз янги жамиятнинг келажиги ҳақида фикр юритар эканмиз, маданиятимизнинг теран илдизларини англаб, унинг ўзига хос ички мантиғини билиш имконига эга бўламиз. Маданиятни бир бутун таҳлил қилмай туриб ижтимоий ҳаётни тўла англаш, ҳамда унда миллий характер, миллий қадриятлар бирлигини англаб бўлмайди. Шарқ ахлоқи ва маданияти чуқур мазмундор бўлгани учун ҳам инсониятни ҳайратга солади ва диққатини ўзига тартади. Шу жумладан, ўзбек мусиқа маданияти ҳам Шарқ маданиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг имконияти бениҳоя кенгдир. Мусиқа шахснинг ижтимоийлашуви, муайян ҳодиса ва ҳолатларини қайта тикловчи, унинг диққатини жалб қилувчи ва бошқарувчи, шунингдек кишиларнинг меҳнат унумдорлигини оширувчи хусусиятга эга. У сўзсиз ва кўриш имкони бўлмагандаги мулоқотдир. Мусиқа ҳис қилиш қобилиятни тарбияловчи восита. Ундан ақлий ва жисмоний кучларнинг ўзаро координация ва интеграция қилиш воситаси, энергия манбаи, ҳақиқатни юзага чиқарувчи восита, инсон онгининг трансформацияси учун қурол сифатида фойдаланиш мумкин. Ва ниҳоят, мусиқа кишиларни коинот билан боғловчи куч ҳамдир. Бу рўйхатни давом эттириш ёки ҳар бир бандини кенгайтириш мумкин, лекин энг муҳими шунчалар имкониятга эга бўлган мусиқадек ижтимоий ҳодисадан инсон онги ва тафаккурини юксак даражаларга олиб чиқиш учун фойдаланиш даркор. Ҳамма даврда мусиқа инсонларни энг яхши амалларга, буюк ишларга йўналтира олган, айниқса, ёш авлодни юртига, она ватанига муҳаббат руҳида тарбиялайдиган восита бўлган.

Маълумки, мусиқанинг турли жанрларини ўрганиш, тарихи, назарияси, бугунги кундаги ривожланиш истиқболлари, алоҳида бастакорлар ижодини илмий тадқиқ қилиш шубҳасиз мусиқа фалсафасининг изланиш доирасига киради. Демак, аждодларимиз меросини чуқур, илмий асосда ўрганиш, миллий-мусиқий, маданий қадриятларимизни тиклаш ва маънавий юксак ёшларни тарбиялаш жараёни билан бевосита боғлиқ. Айни вақтда, мумтоз тарбия аънаналарни ҳозирги давр амалиётига татбиқ этиш, жамият ҳаётидаги энг асосий масала – ёшлар маънавиятини шакллантиришда мусиқа маданиятининг ролини аниқ-равшан белгилаб беришдан иборат.

Бугунги кунда ёшларда мусиқа маданиятини юксалтириш орқали эстетик дидни шакллантириш, жамият аъзоларининг эстетик идеалларини тарбиялаш билан боғлиқ



дунёқарашига янгича ёндашувларни олиб кириш мумкин бўлади. Эндиликда мусиқа нафақат санъат тури балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди. “Санъат эстетик тарбия воситаси сифатида ҳар бир шахсга мўлжалланганлиги билан дунёга кенг ва очиқ кўз билан қараш туйғусини шакллантириш, нафосатни бевосита мушоҳада этиши, бксак орзу-умидлар йўлида ижодкорлик қобилиятини вужудга келтириши билан изоҳланади” . Мусиқага шу нуқтаи-назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш ва эстетик мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада ортганлигини кўриш мумкин. Бу жараён, ўз навбатида, мусиқа ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини эстетиканинг умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу ҳолат:

биринчидан, бугунги кун анъанавий мусиқа санъатининг эстетик хусусиятларини фалсафий нуқтаи назарда илмий таҳлил этиш ва уни замонавий мусиқа тамойиллари асосида бойитишни талаб этмоқда. Чунки, мусиқа ва унинг эстетик табиати ҳам тарбия, ҳам ижтимоий тараққиётни барқарорлаштирувчи муҳим восита сифатида мафкуравий жараёнларнинг марказида туради;

иккинчидан, анъанавий мусиқа санъатининг ёшлар эстетик тарбиясидаги аҳамиятини илмий ўрганиш, унинг жаҳон мусиқий меросидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали миллий қадриятларимизнинг нафис ва гўзал жиҳатларини акс эттиришга доир қарашларни тизимлаштириш зарурдир. Зеро, ҳозирги пайтда ўзбек халқ анъанавий мусиқий мероси ўзининг гўзал эстетик хусусиятлари билан жаҳон мусиқий маданиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда;

учинчидан, глобаллашув даврида халқ мусиқасини ижро этиш жараёни ва амалиёти тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ, уни фақат оҳанглар тизими сифатида ўрганиш муаммога бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Аслида ўзбек анъанавий халқ мусиқаси ўзида оҳанг, куй ва нолани уйғунлаштириши билан гўзалликни намоён эттиради ва инсонга эстетик завқ беради;

тўртинчидан, санъат турлари ичида мусиқа санъати ўзига хос эстетик шакл ва мазмунга эга. Унинг ўрнини бошқа санъат турлари босолмайди: у нодир ва бетакрордир. У оҳанг бирикмалари, шакл ва жанрлар, хилма-хил мураккаб усуллар мажмуаси халқ поэтик ижодиётини, турли куйлар бойлигини муайян тартибга солади. Шунинг учун ҳам у халқ эстетик маданиятининг юксак намунаси сифатида намоён бўлади. Мусиқанинг шу хусусиятини эстетик мезонлар асосида тадқиқ этиш масаласи фалсафа илмида ҳануз мавҳумлигича қолмоқда;

бешинчидан, ўзбек халқ анъанавий мусиқаси ҳисобланган мақомлар, маросим мусиқалари, фольклор қўшиқлари ўзига хос эстетик жанр тизимидир. Аммо, собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий мусиқасининг эстетик мазмунига ва эстетик фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек халқининг эстетик қадриятида бўшлиқни пайдо қилди. Эндиликда миллий мусиқа меросимизни нафақат тарихий аҳамиятини, балки, унинг

эстетик муносабатлардаги назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Кўплаб тадқиқотчи олимлар овоз билан оҳангни қиёсий таҳлил қилиб, ҳар қандай овоз инсонга эстетик завқ бера олмаслигини келтиришади. Биринчидан – овоз нарса-ҳодисанинг шакл-шамойили ҳақида дастлабки маълумотни беради. Масалан, қурбақанинг овози унинг кўринишини ҳаёлимизда гавдалантирса, одамнинг овози унинг бошқа одамлардан ажратишимиз учун кўмак беради. Момақалди роқники эса табиат ҳодисаси ҳақида тасаввурни пайдо қилади. Шунинг учун ҳар учала овоз эстетик завқдан маҳрумдир. Ёшларда мусиқа маданиятини мана шундай тарзда юксалтириш уларда эстетик дидни ривожлантиради. Шарқ олимлари мусиқани юқори даражада қадрлаганлар ва бунда улар шубҳасиз, мусиқанинг бадиий-эстетик кучи ва ижтимоий тарбиявий ролини ҳисобга олган эдилар. Шу боис мусиқанинг асосий компонентларида тарбиявий маънода фалсафанинг, эстетик таъсир воситаси сифатида эстетиканинг ўрни юқори ҳисобланади. Буни қуйидагилар асосида қиёсий таҳлил қилиш мумкин:

Биринчи компонент – куй. Турли баланд ва узунликдаги товушларнинг маълум бир ритм ва ладда бадиий ҳолатда келиши. Куй ва унинг ривожланиш хусусиятларининг ўз диалектик алоқадорлиги бор: халқ куйлари ва мақомларда, яъни ашуланинг бошланғич қисмидан куй авжга қараб ривожланиб боради. Биз куйда ботиний ва зоҳирий гўзалликни англаймиз. Ҳар бир нарса, ҳодисадаги тараққиёт йўналишини ифодаловчи тушунча имконият айна нарса-ҳодисанинг ривожланиш қонуниятлари таъсирида пайдо бўладиган ва ривожлана оладиган ҳолатдир. Куйнинг мусиқадаги асосий ифода воситалари бу – лад, ритм, метр, тембр, гармония ва бошқалардир.

Иккинчи компонент – гармония. Яъни оҳангдошлик, бир йўла эшитилган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишда келиши. Масалан, Пифагорнинг хилма-хил овозли томонларнинг келишуви умумбашарий ҳамоҳанглик эканлиги, ёки қадимги хитой фалсафасидаги; коинотни ҳар бир парчаси алоҳида оҳанг чиқарувчи ва биргаликда ҳамроз куйни ташкил этувчи найга ўхшайди, - деган фикрлари алоҳида қимматга эга.

Учинчи компонент – ладлар. Турли баландликда бўлган товушларнинг ўзаро алоқаси, беқарор товушларнинг бир “тоника”га интилиши. Мусиқада ҳар бир лад маълум бир эстетик меъзоний тушунчанинг дебочаси десак бўлади. “Мажор” лади кўпроқ кўтаринкиликка, тантанага, улўғворликга ва бошқа ижобий ва позитив хислатларга чорласа, “минор” лади кўпроқ қайғуга, маъюсликка, лирикага, фожеавийликка етаклайди.

Мусиқий компонентларнинг барчаси йиғилиб, энг аввало инсонда маълум бир эмоция уйғотади. Эмоция борликда содир бўлаётган ҳодиса ва нарсаларнинг шахс учун аҳамиятли жиҳатлари ҳақида дарак берувчи сигналлар тизими ҳисобланади.

Муסיқа ана шу тизимидаги - “сигнал”дир. Муסיқа – шахс эмоционал соҳасининг таркибий қисмларига эмоционал тус, (тон) эмоционал ҳолатлар, кайфият беради уларни инсон ичдан кечиради. Демак муסיқага қараб инсон туйғулари ўзгариши мумкин. Нолага келсак, Европа муסיқасида “интерпретация” тушунчаси мавжуд, у муסיқа асарининг ижодий ижро этилишидаги талқинни англатади. Бироқ, Европа муסיқасида ижодий эркинлик маълум бир нота ёзуви чегарасидагина рўй беради. Миллий муסיқамиздаги нолани эса нота ёзувида аниқ ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун ноланинг ижроси – соф бадиий ижод жараёни бўлиб, ижрочи нолани ҳар сафар бирдек ижро этолмайди, бу санъаткорнинг ижро вақтидаги эмоционал, эстетик ҳолатига боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, муסיқанинг инсон дунёқарашига таъсири, жамият аъзоларининг эстетик идеалларини тарбиялаш билан боғлиқ ишларнинг умумназарий масалаларига янгича ёндашувлар шаклланди. Эндиликда муסיқа нафақат санъат тури, балки, у тарбия воситаси, жамият барқарорлигини таъминловчи кучга айланди. Муסיқага шу нуқтаи назардан қаралганда, бугунги кунда унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш, мазмунини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж янада ортанлигини кўриш мумкин. Бу жараён ўз навбатида, муסיқа ва унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини умумназарий масаласи сифатида ўрганишни тақозо этади. Бу ҳолат:

биринчидан, бугунги кун ўзбек анъанавий муסיқа санъатининг хусусиятларини фалсафий нуқтаи назарда илмий таҳлил этиш ва уни замонавий муסיқа тамойиллари асосида бойитишни талаб этмоқда. Чунки, муסיқа ва унинг эстетик табиати ҳам тарбия, ҳам ижтимоий тараққиётни барқарорлаштирувчи муҳим восита сифатида мафкуравий жараёнларнинг марказида туради;

иккинчидан, анъанавий муסיқа санъатининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини илмий ўрганиш, унинг жаҳон муסיқий меросидаги ўрнини таҳлил қилиш орқали миллий қадриятларимизнинг нафис ва гўзал жиҳатларини акс эттиришга доир қарашларини тизимлаштириш зарурдир. Зеро, ҳозирги пайтда ўзбек халқ анъанавий муסיқий меросимиз ўзининг гўзал хусусиятлари билан жаҳон муסיқа санъати ва маданиятида муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда;

учинчидан, глобаллашув даврида халқ муסיқасини ижро этиш жараёни ва амалиёти тубдан ўзгариб бормоқда. Бироқ, уни фақат оҳанглар тизими сифатида ўрганиш муаммога бир томонлама ёндашишни келтириб чиқаради. Аслида ўзбек анъанавий халқ муסיқа санъатида оҳанг куй ва нолани уйғунлаштириши билан гўзалликни намоён эттиради ва инсонга эстетик завқ беради;

тўртинчидан, санъат турлари ичида ўзбек халқ муסיқа санъати ўзига хос шакл ва мазмунга эга. Унинг ўрнини бошқа санъат турлари боса олмайди, у нодир ва бетакрордир. У оҳанг бирикмалари, шакл ва жанрлар, мураккаб усуллар мажмуаси халқ поэтик ижодиётини, турли куйлар бойлигини муайян тартибга солади. Шунинг

учун ҳам у халқ мусиқа санъати ва маданиятининг юксак намунаси сифатида намоён бўлади. Мусиқа санъатининг шу хусусиятини эстетик мезонлар асосида тадқиқ этиш масаласи фалсафа илмида хануз мавҳумлигича қолмоқда;

Бешинчидан, ўзбек халқ анъанавий мусиқаси ҳисобланган мақомлар, маросим мусиқалари, фольклор қўшиқлари ўзига хос бадиий-эстетик жанр тизимидир. Аммо, собиқ шўролар даври тадқиқотчилари ўзбек миллий мусиқасининг эстетик мазмуни ва фаолият тури сифатидаги моҳиятига бир томонлама ёндашиб келдилар. Бу ҳолат пировардида ўзбек халқининг эстетик қадриятида бўшлиқни пайдо қилди. Эндиликда миллий мусиқа меросимизни нафақат тарихий аҳамиятини, балки, унинг эстетик муносабатларидаги назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда ёшларга миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз руҳида таълим-тарбия беришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, бу жиҳатлар мусиқа санъати ва маданиятини юксалтиришда муҳим рол ўйнамоқда. Ўзлгимизни англашга, қадимий тарихимизни ўрганишга, аждодларимиз қолдирган маданий меросни асраб-авайлашга катта эътибор берилмоқда. Мусиқий меросимизнинг узоқ ўтмишини янада чуқурроқ ўрганиш соҳасида ҳам унумли ишлар амалга оширилди. Мусиқа барча даврларда ва замонларда жамият ҳаётида муҳим рол ўйнаб келди, шунинг учун “Мусиқа инсон қалбининг йўлдоши” дейилади. Инсоният тақдирининг улуғ бурилиш даврларида мусиқа эстетик санъат сифатида кишиларни жипслаштиради, уларни улуғ мақсад йўлида буюк ишларга отлантиради. “Шунинг учун шахснинг эстетик камол топиши билан унинг ижодий салоҳияти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақида сўз борганда, муҳим жиҳат, яъни ижтимоий омилларнинг шахс эстетик-ижодий салоҳиятини юзага чиқаришдаги ролини тавсифлашга зарурият туғилади” .

Юртимиз азалдан маданияти, адабиёти ва бетакрор санъати билан машҳур бўлиб келган. Ҳозирги давр аждодларимиз яратган маънавият дурдоналаридан халқимизни хар қачонгидан ҳам кўпроқ бахраманд этиш учун имкониятлар очиб берилётган даврдир.

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзига хос ривожланиш босқичини, ўзига хос турмуш тарзини, ўзига хос фалсафа ва ўзига хос маданиятни яратди. Ана шу ўзига хослик, миллийлик, айниқса, унинг мусиқа санъати ва маданиятида тўла намоён бўлган. “Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти ҳалқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди” . Шунинг учун ҳам миллий мусиқасиз халқимиз руҳини кўтариб, унинг қалбига йўл топиб ва уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб бўлмайди, чунки миллий мусиқада шу халқнинг минг йиллар оша

тўплаган ҳиссий билим ва тажрибалари, қувонч ва ташвишлари, дард ва аламлари ўз ифодасини топгандир.

Хулоса қилганда, ёшларнинг мусиқа маданиятини юксалтириш орқали уларнинг этетик дидини ва юксак этетик идеалларга доир интилишларини шакллантириш, мусиқий дунёқарашини ҳам ривожлантириш мумкин бўлади. Бу жараёнда мусиқа маданиятининг мусиқий онгни шакллантиришдаги фаолияти, мусиқий билимлар ва англаш кўникмаси муҳим рол ўйнайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019. –Б. 102.
2. Қамбаров А.А., Маннопов С.М., Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. (Ўқув-услубий қўлланма) –Фарғона нашриёти. 2021. –Б. 68-69.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019.Б. 102
4. Юнус Ражабий. Ўзбек халқ чолғу мусиқаси. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1981. –Б.126.
5. Арзиматова И.М. Эстетик маданият. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2007. –Б. 23
6. Панжиев Қ, Азизов Р. Эстрада кўшиқчилиги ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида. Замонавий таълим. 2018. №7. –Б. 12.
7. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тошкент: Фан. 1974.Б. 221.
8. Панжиев Қ, Азизов Р. Эстрада кўшиқчилиги ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида. Замонавий таълим. 2018. №7. –Б. 12.
9. Панжиев Қ, Азизов Р. Эстрада кўшиқчилиги ёшларни тарбиялашнинг маънавий воситаси сифатида. Замонавий таълим. 2018. №7. –Б. 12.
10. Арзиматова И.М. Эстетик маданият ва маънавий камолот. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. –Б.61
11. Арзиматова И.М. Шахс камолоти: эстетик тарбия ва тумуш тарзи эстетикаси. – Фарғона: 2016. –Б. 42
12. Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Санъат ва бадий ижол фалсафаси. Таржимон. Абдуллаев М.А. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2012. –Б. 68
13. Арзиматова И.М Шахс камолоти: эстетик тарбия ва турмуш тарзи эстетикаси. –Фарғона: Фарғона нашриёти. 2016. –Б. 33
14. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. –Тошкент: Санъат нашриёти. 2006. –Б.19.
15. Абдулла Шер, Баҳодир Ҳусанов. Эстетика. Услубий қўлланма. 2-нашр. – Тошкент: ЎЗМУ. 2008. – Б.34.

16. Арзиматова И.М. Эстетик маданият ва маънавий камолот. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2009. –Б. 102
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият. 2008. – Б. 141
18. Qambarov Abdumutal Axadjonovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //MARGILAN LARGE ASHULA SCHOOL// European Scholar Journal (ESJ). Vol. 2 № 5, MAY 2021. 279-283 pages.
19. КАМБАРОВ АБДУМУТАЛ АХАДЖОНОВИЧ, НАЖМЕТДИНОВА МАВЛУДА МАМАСОДИКОВНА //НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ// УСЛОВИЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. Материалы международной научно-практической конференции. 26 апреля 2019 года. 148-151 стр.
20. Камбаров А.А. //Религиозные ценности – прочная основа в формировании гармоничной личности// Вестник Северо-Восточного федерального университета им. М.К.Аммосова. Серия «Педагогика. Психология. Философия». 2022;(3):78-84.
21. Qambarov Abdumutal Axadjonovich //TRANSFORMATION OF SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES THE NECESSITY OF EDUCATING AN ENLIGHTENED GENERATION THROUGH// European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA). Vol. 2, No. 11, November 2021. 150-152 pages.
22. Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович //ПОСТМОДЕРН ДУНЁДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМДА УНИНГ ДИАЛЕКТИК АСОСЛАРИ// НамДУ илмий ахборотномаси. 2020 йил, 9-сон. 158-165
23. Kambarov Abdumutal Ahhadjonovich //ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS// Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 2: Iss. 9, Article 27. 158-165
24. Турсунова Лайло Эргашевна //ЁШЛАР МУСИҚА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ// EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE. Volume 3. Issue 5, Part 2. May 2023. 23-34
25. Турсунова Лайло Эргашевна //Признание о международном фольклорном фестивале «Великий шелковый путь», проведённом в городе Маргилан Ферганской области// Проблемы современной науки и образования. 10 (143) 2019. 109-112 стр.
26. Tursunova Laylo //FUNCTIONS OF MUSICAL CULTURE IN THE FORMATION OF A SPIRITUAL WORLD VIEW// World Bulletin of Social Sciences (WBSS). Vol. 6, January, 2022. 72-77 pages.
27. Zoxidova Guzal Erkindjanovna, Tursunova Laylo Ergashevna // BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARIDA FAOLIYAT YURITAYOTGAN "O'ZBEK XALQ CHOLG'U ORKESTR"LARI UCHUN REPERTUARLAR TANLASH MASALASI// INTEGRATION OF SCIENCE,

EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. Vol. 3, № 10. 2022, 61-63 pages.

28. Tursunova Laylo Ergashevna, Xoliqova Sevara Baxodirovna //МАКТАБДА MUSIQA FANINI O'QITISHDA YANGICHA YONDASHUV// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1. ISSUE 8. 2022 782-785 pages.

29. Baxodir Sobirov, Dilafruz Yuldasheva, Nazarova Iroda, & Tursunova Laylo. (2022). MUSICAL WORKS AND THEIR PLACE IN HUMAN LIFE. Archive of Conferences, 53-56 pages.

30. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.

31. М.Нажметдинова, Жўрабоева Хакимахон //МАҚОМ САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИГА ТАЪСИРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 3(2), Feb., 2023. 813-817 pages.

32. Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //SPECIFIC FEATURES OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS// International Scientific Journal "Science and Innovation". Series 1. Volume 1. Issue 1. 892-902 pages.

33. Mavludaxon Najmetdinova //YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA – AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 990-993 pages.

34. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 282-287 pages.